

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ПОЧТАСИДАН



РЕДАКЦИЯ ХАТЛАР ВА ОММАВИЙ ИШЛАР БУЛИМИДА
Ҳаққон муаммо кутаради

Уларнинг 618 таси газета саҳифаларида эълон қилинди. Қолган хатларнинг 45 таси шикоят характерида бўлиб, уларнинг 40 таси текшириш ва чора кўриш учун тегишли партия, совет органлари, турли ташкилот ва муассасаларга юборилди.

Бештаси эса «Редакцияга хат» рубрикаси остида газетда эълон қилинди. Ушбу саҳифа редакцияга келадиган хат-хабарлардан тайёрланди.

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ Б А Й Р О Қ К У Т А Р И Л Д И

Ленин номи қолхоз чорвалари қишлоқ даврида ҳам махсулот еттиштириш ёздагидек камийтирилмаслиги, оғил ва қарвал пилларини ортири билан бажариш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Яқинда қолхоз раёнида, партия, касба соҳа, комсомол комитетлари ўлкалик чорваларлари ўрдагидек камийтирилмаслиги мусобақанинг ўтган ўн кунлик якунини кўриб чиқилди.

Сут соғувчи Нормат Қорабекова биринчи ўринни эгаллади. У ўз боқимидаги 18 бош соғин сиздан ўн кунда 2095 литр сут соғиб олиб, энг юқори натижага эришди. Ҳар бир соғин сиздан ўрта ҳисобда 11,6 литрдан сут соғиб олди.

Иккинчи, учинчи ўринлар Ҳасиб Умарова, Турсуноя Бекмурзаевларга берилди.

Шунингдек, молбоқарлардан Абдушукр Эрматов, Эгамберди Умаровлар ҳамда механизатор Иброҳим Эрматов ҳам ўн кунликда фидокорона меҳнат қилиб, ҳаммасларига намуна бўлдилар.

Фолб чиққан чорваларлар мусобақа шартларига кўра пул мунофотлари билан тақдирландилар.

Т. УСМОНОВ, Бенобод району.

ДЕҲҚОН МУАММО КУТАРАДИ ЮК ТАШУВЧИ ИХЧАМ ТРАКТОРЛАР КЕРАК

ҚИШЛОҚ ҳўжалигида ҳали ҳал этилмаган муаммолар жуда кўп. Шулардан бири экинчи гариқ пишиқлик палласида махсулотни пайкалардан ташиб чиқиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликлардир. Айниқса, кетма-кет пишиб етиладиган, яхлит майдонлардаги сабзавот ҳосилини даладан олиб чиқиш деҳқонлар учун бир қатор мушкулликлар келтириб чиқаради. Масалан, эртаги керамини олайлик, бу экин ҳосилини саралаб териб олишга тўғри келади. Бу иш эссон кўп кучи билан бажарилади. Бошқа иложи йўқ. Мажбур трактор ва трицеплар сабзавот еттиштириладиган майдонларга олиб киришга мўлжалланмаган.

Ҳўжаликларда ҳозирги кунда жуда кам миқдорда экинчиликларда қилдирилган муаммоларни турли кенгликларга мослаштириш мумкин бўлган тракторлар ҳам бор. Лекин уларни ҳамма вақт торайитириб, кенгайтириб бериш механизаторларнинг кўп вақтини олади. Афсуски бундай тракторлар учун ҳам каттароқ қайтиш майдонлари ажратилма бўлмади.

Биз айрим ҳолларда махсулот тўлдирилган яшиқларни даладан олиб чиқишни осонлаштириш мақсадида юзқалар узунлигини ёки паёқалар экинчи қисқартиришга ҳаракат қиламиз. Натижада майдон ораларидан сургонча ва юриш учун кўпроқ ўқариклар олишга мажбур бўлилади. Оқибатда бир мунча ер майдонни пустидмуба чиқари, умри бекор ўтади.

Сабзавот махсулотларини кўплаб вақт далада қолиб кетиши, бунинг оқибатида экиннинг сифати бузилиб ёки нобуд бўлишининг асосий сабаблари ҳам шунга келиб тақалади.

БАДИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ ҲАЕТИДАН ҚЎШИҚ АЙТГАН ҚАРИМАС

Ўтган йили ёзда «Хотин-қизларини шарафлаймиз» деган темада кеча ўтказилган эди. Ўзбекистон ССР социал таъминот министрига ҳамда Паркент район партия комитети ташаббуси билан уюштирилган бу кечага Бўстонлиқ район маданият уйи қорамдони «Гулёр» фольклор ансамбли ҳам таклиф этилди. Ансамбль аъзолари ўзларнинг халқ қўшиқлари билан йилгиларини хушнуд этишти. Ҳисарак қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси Шарофат Мухоммадовага ҳам тақдирландилар.

Симова ғазалкентлик мухтарам оналарнинг қўшиқларини зақ-шақ билан тинглади. У кечадан бер олам таассурот билан қайтаркан. «Наҳотки қишлоқда ана шундай ансамбль тузилишини имкони йўқ экан» деган фикрлар борди. Эртасига у Ҳисарак қишлоқ маданият уйи раҳбари, санъатга бениҳоят ихлос қўйган пенсионер Иноят ота Эгамбердиевга ўз муллоасини баён қилди.

Шундан сўнг Иноят ота Эгамбердиев янги ансамбль учун санъатга иштиёқманд онахонларни тўплашга киришти. Дастлабни пайтлари ансамблга бор-йўғи 5 аёл қабул қилинган бўлса ҳозир булар сон 16 га етди. Ансамбль иштирокчилари ҳар ҳафтада икки марта қишлоқ маданият уйида машғул ўтказадилар. Доира, дутор чертишни ўрганишда, Ойжон опа Маҳмадова, Зарифа опа Имомова, Ҳалима опа Жамилова, Салима опа Норова сингари ҳаваскор санъаткорлар томонидан иқро этилаётган халқ қўшиқлари, ларларни анча оммалашиб қолди.

Ансамбль аъзолари қисқа муддат мобайнида Энгельс номи совхоз меҳнат калашлари бир неча марта концерт қўйиб беришди. Шунингдек, ана шундай фольклор ансамбли райондаги «Прогресс» совхозга қошида ҳам ташкил этилди. Ҳозир мазкур ансамбллари аъзолари янги қўшиқларини ўрганиб, ўз программаларини бойитмоқдалар.

Т. ДУСТМАТОВ, Паркент районидagi мухбирлар постининг аъзоси.

ОРАМИЗДА ИЧКИЛИКБОЗЛАР БЎЛМАСИН!

— СТАЦИОНАРГА келганимда ахволим жуда оғир эди, — дея ҳикоя қила бошлади суҳбатдошимиз Борис Гелдуан. — Аввалига бу ерга келиб даволанишдан ўзини олиб қочиб юрдим. Қарасам, бўлмади. Охири келдим. Энди эса жуда тўғри қилганини кўриб турибман. Ҳозир дастлабки даволанаётган кунларимдаги каби руҳий хохулиқлар ва ҳасталиқлардан асар ҳам қолмади. Эҳ, бу ичкилик одами не кўйларга солмас экан...

мор организми ичкиликни муттасили истеъмол қилиш натижасида тўплаган захарли моддалардан тозаланади, ичкилик босқич эса актив даволаш даври ёки шартли рефлекс тералиси деб аталади. Бутун муолажа давомида беморлар мунтазам равишда турли мавзуларда лекциялар тинглайдилар, кинофильмлар кўрийдилар. Психологлар ҳар бир бемор билан яқма-яқма суҳбатлар ўтказадилар.

Маълумки, ичкиликбозлик касалига йўлланганлар учун турли дори-дармонлар, физиотерапевтик муолажалар билан биргаликда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш, врачлар ибораси ўзини янгидан тугилгандай ҳис қилган...

Хушёрлик— турмушимиз тарзи

Мазкур Наркология диспансери кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкогольизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг диспансери фаолият доираси янада кенгайтирилди, қарор асосида қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди. Ҳозир бу муассаса нарколог шифокорлар таъйинлаб берадиган методик маркази вазифини ҳам бажаришти. Диспансерда беморларга маънавий наркологлар, терапевтлар, психиатрлар, хирургия ва лозим бўлиб қолганда медицинанинг бошқа соҳа мутахассислари ҳам хизмат кўрсатмоқдалар. Шунингдек, шахримизнинг ҳар бир районда иккитадан врач нарколог, йирик саннат корхоналарида эса нарколог-фельдшерлар иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, давлат автомобил инспекцияси ходимлари билан биргаликда сайёр бригадалар белгиланган мадвал асосида шаҳар кўчаларида мунтазам рейдлар ўтказиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшишапти. Диспансер ҳузуридаги ҳайдовчиларнинг мастлик ҳолатини экспертиза йўли билан аниқлаб берувчи кабинет эса бутун сутна давомида ишлаб турипти.

ЧАМАНДЕК очилиб турган бу гулзорларни Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли манзаралик боғдорчилик совхозининг миришкор ишчилари яратилган.

Совхоз хизматчилари йил давомида боғдорчилик бўғчаларини ўзлари парваришлаган турфа гуллар билан таъминлаб турибдилар. Суратларда: (чапдан ўнгга) гулчи Ф. Ибрагимова гулларга сув селмоқда; И. Вохинова кала гулларини савдо тармоғига жўнатишга ҳозирламоқда.

КОЛЛЕКТИВ РЕЖАСИ

ОҚҚУРҒОН районидagi Алимжон пахта тозалаш заводи коллективи ўн биринчи беш йилликнинг якуновчи йили планини муваффақиятлик яқулади. Асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича топшириқлар бажаришда Корхона ишчи-хизматчилари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида янада юксакроқ меҳнат марраларини эгаллашга аҳд қилдилар. Улар ўз имкониятларини ҳисоблаб, йиллик плани мундатидан илгари бажариш бўлимига 200 миң сумлик махсулот ишлаб чиқаришга ваъда бердилар. Туларда ичкилик касалига дучор бўлганларнинг даволашни шараф қилиш учун фидокорона меҳнат қилмоқда.



В. Сироткин фотолари.

САВОЛ: онам 1930 йилда туғилган. 1950 йилдан 1963 йилгача колхозда ишлади. Беш фарзанди бор, энг кичиги 13 ёшда. Онамга пенсия тайинлашларини сўраб Янги-Йўл район социал таъминот бўлимига учрашдим. Яна 2 йиллик стаж талаб қилишди. Шу тўғрисида?

Х. МИРЗААХМЕДОВ, Янги-Йўл районидagi «Коммунизм» колхозчи.

ЖАВОБ: сизнинг ушбу саволингизга иккинчи марта жавоб беришга тўғри келди. Чунки газетанинг шу йил 8 январь сониди Сизга берилган жавобда чалқашликка йўл қўйилган. Колхозчи аёллар 50 ёшга тулсаю, 5 фарзанд тарбиялаган бўлса ва меҳнат стаж 15 йилни ташкил этсагина пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлади. Онангиз эса 13 йиллик меҳнат стажига эга эканлар. Ҳў-ўздан кўриниб турибдики, икки йиллик стаж етишмайди деб, тўғри талаб қўйилган.

ГАЗЕТ ХОН: ТАКЛИФИ

КЕЙИНГИ йилларда пойтахт шаҳримизда областизда автобус ҳамда троллейбус бекатларига ҳашамдор соябонлар ва ўриндиқлар ўрнатилгани яхши бўлди. Бироқ, трамвай бекатлари ҳақида бу галини айтиб бўлмайди. Ҳолбуки, трамвай шаҳардаги энг кўп йўловчи ташийдиган транспорт ҳисобланади.

нашидаги «Динамо», «Алиев», «Тожиқ маҳалла» ҳамда «Лисун» трамвай халқаси ва бошқаларни айтиш мумкин.

Жуда кўп бекатларда темирдан қилинган хавфсизлик тўсиқлари йўқлиги сабабли баъзи шоққалқ йўловчилар автомашиналар ҳаракатига ҳалқит бериб, кўнчисдан йўлни кесиб ўтадилар. Жуда кўп бекатларда эса соябон тугул, ўриндиқлар ҳам йўқ. Афсуски одамлар кўп тўпланадиган йирик бекатлар ҳам худди шундай аҳволда. Масалан, Юнусов йўналишидаги «8 квартал», «Бозор», Янгиобод йў-

налишидаги «Динамо», «Алиев», «Тожиқ маҳалла» ҳамда «Лисун» трамвай халқаси ва бошқаларни айтиш мумкин.

ЭЪТИРОЗИ

ХУРМАТЛИ редакция! Биз яшаётган Ғалаба районидagi Гул қишлоғида анчагина аҳоли истиқомат қилади. Шунга қарамай қишлоғимизда биронта маршрутли автобуслар қатнайди. Лекин кўпчилик маршрутлардаги автобуслар пенамасига «Солдатское—Гулистан—Куйбишев—Гул-луб» заводи деб ёзиб қўйилди. Бу автобуслар луб заводидан қайтиб кетади.

Биздан 10 километр нарида «Қўрғонча—Тошкент» маршрутидаги автобуслар қатнайди. Шу автобус маршрутини Гул қишлоғига ҳам узатириб, «Қўрғонча—Тошкент» эмас, «Гул—Тошкент» деб ўзгартирилса, яхши бўларди.

ТАНҚИДИ

ИСИТИШ системаси бўлсаю, шилламаса одамга алам қилар экан. Мана икки йилдирки, биз яшаётган уйда аҳвол шундай. Рўпарадаги уйларда иситиш системаси бинойидек ишлаб турибди. Биз турган 8-ўйини 7, 10, 12, 14-квартираларида эса батареялар савлатга қўйилган. Қишда улардан муз чиқади.

Бу ҳақда 50-НЭК бошқиларига икки йилдан бери мурожаат қиламиз. Мана 3-йилга ҳам ўтди. Бошқилар бир неча алмашиди. Ҳар гал янги бошқил таинлашганда энди тузатиб бериб керак, деб умид қиламиз. Лекин аҳвол ўзгармайди. Дафтарга қайт этиб, «ертага уста юборамиз» деб ваъда қилишади. Хуллас, ваъда-ваъдаликга қолиб кетмоқда. Батареялар эса ваъданинг ўзи билан исмас экан...

Т. УСМОНОВ, С. Раҳимов районидagi «Олимпия» массиви.

МУЛОҲАЗАСИ

ОБЛИҚ қишлоғида 500 дан зиёд хонадон бор. Аммо қишлоқнинг бутунги қиёфаси, маданий-маънавий шароитлари аҳолининг ҳозирги талабига жавоб беролмайди. Қишлоқнинг Фурият, Революционер ва бошқа кўчалари асфальтланмаганлиги, электр نیروқлари ўрнатилмаганлиги учун кенсалар кечаси юришга қийналишади. Аҳоли учун баъзан кинофильмлар намойиш қилиб туриладиган клуб биноси ремонт баҳонаси билан 1984 йилнинг июль ойидан бери берк турибди. Ремонт ишлари шу пайтгача бошлангани йўқ. Ҳозирги Муталимов бошлиқ маҳалла комитети жамоат ишларини ташкил этишга етарли эътибор бермапти. Маҳалла аҳолиси учун оммавий-маданий тадбирлар деярли ўтказилмайди. Маҳалла комитети шу пайтгача ўз биносига эга эмас.

Т. ШЕРАЛИЕВ, Антрён шаҳри.

БУЛАР СИЗДАН МИННАТДОР

ИНСОН ўз ҳаётининг қадрини оғир касалликка дучор бўлганда кўпроқ сезаркан. Бундан ташқари мени икки йилдан бери қийнади. Сўнгги пайларда оғир эъзабим азоб бера бошлади. Ҳаловатим йўқ бўлди. Яхши ҳам бахтига бундай дардин даволайдиган шифокорлар бор экан. Қалинин районининг марказий касалхонаси хирург-урологи Ҳайридин Ғуломовнинг енгил қўллари мени ана шу дардан халос этди. Ҳозир оғим бағримдан, Меҳрибон врачачин дилдан раҳмат дейман.

О. ФАЙЗЕВ, Хизматчи.

БИР ОҒИЗ УМИДБАҲШ СЎЗ инсон дардида малҳаматини касал бўлганлар яхши билишади. Узимдан қиёс. Област касалхонасининг кардиология бўлимида бунга ана бир касро ишонч ҳосил қилдим. Ҳасан Ҳамидовдан биргина мен эмас, Ғалаба районидagi Қўрғонча қишлоғидан Абдуолиқ Мажинов, Чиноз районидagi «Октябрь 40 йиллик» колхозидан Айдар Юнусов, Ормонқизда районидagi «Маданият» колхозидан Холмат Эрғашев, Тошкент районидagi «Ўзбекистон ССР 50 йиллик» колхозидан Қудрат Мирсолиевлар ҳам миннатдорлар.

Ҳ. Ҳамидов ўз устози, кафедра мудири Тўхта Убайдуллоевич Махсудовнинг маслаҳатларига амал қилиб беморларни даволашда катта тажриба орттирди. Биз унга газета орқали миннатдорчилик билдирмиш.

Р. СОБИРОВ, ишчи.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидagi 2-марказий касалхона шифокорларидан хүрсанд бўлганлигимиз учун мана шу мактубни қўйлашмиш. Биз ерга оғир шикоятчи касаллиги билан ётқизилган эдик. Шифохонада беморларга бўлган эътибор, ҳшмуомалалик кайфиятимизни кўтарди, тетиклашдик. Зарур дори-дармонлар ҳам бор экан. Шарт-шароит яхши, айниқса, беморлар шифохона бош врачси Н. И. Бройде ва бўлим мудири Фахриддин Нигмоновдан миннатдорлар.

И. ВАЛИЕВ, М. ТОЖИЕВ, Хизматчилар.

ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БАЗА

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув-тажриба ҳўжалиги йирик тадқиқотлар марказига айланган. Кафедраларда олиб борилган изланишлар натижаларини амалиётда қўллаш учун бир ерда мустаҳкам экспериментал база яратилди. Қатор лабораториялар унинг ихтиёрига берилди.

Бутунги кунда пахта териш машиналарини такомиллаштириш, қишлоқ ҳўжалигини химиялаштириш каби лабораториялар йўли билан талайгина фан ютуқлари ҳаётга жорий қилинди. Қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш сектори экспериментал базага ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

А. АЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг шикатси муҳбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ЖАМОАТЧИ КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

Газетхонларнинг саволларига Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг штатсиз ходими, «Тошкент ҳақиқати» жамоатчи консултация бюросининг аъзоси, юрист **А. ҲАСАНОВ** жавоб беради.

Б. БАҲРОМОВА, Тошкент шаҳри.

ЖАВОБ: амалдаги қонунларга биноан ишчи ва хизматчи аёллар меҳнат стажини қатъий назар, тўла иш ҳақи миқдориде берилди.

Демак фабрика Сизга йил мобайнидаги ўртача иш ҳақингиздан эмас, балки отиш пускандан олдинги иш ҳақингизга асосан юз процент ҳисобланади.

